

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 29 апрель, ПФ-5712.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2018 йил 8 декабрь, ВМҚ-997.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2019 йил 30 сентябрь, ВМҚ-823.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. 2020 йил 23 сентябрь. ЎРҚ-637-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказида 2021 йил 15 октябрь ҳолатига тўплланган маълумотлар базаси.
6. Kenneth N.Ross, *Sample design for educational survey research. Quantitative research methods in educational planning. Module 3. UNESCO International Institute for Educational Planning*.
7. Болотов В.А., Валъядман И.А., Горбовский Р.В., Захир Ю.С., Мерцалова Т.А. Ключевые вопросы национальных и региональных систем оценки качества образования (экспертных обзор) [текст]: коллект.моногр., Нацисследун-т «Высшая школа экономики». –М.: Изд.дом Высшей школы экономики, 2016. – 232 с. 500 экз. ISBN 978-5-7598-1507-5 (в обл.).
8. Исмаилов А.А. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўтказилган миллий тадқиқот натижалари тўғрисида. Иқтидорли ёш кадрларни хорижий ўқув юртларида таълим олишилари учун шароитлар яратиш ва халқаро тадқиқотларга тайёргарлик тўғрисида семинар. Халқ таълими вазирлиги, 2021 йил 9 февраль.
9. Main Survey School Sampling Preparation Manual: Overview, February 2017, produced by Westat, Core C contractor.
10. Жан Дьюомей, Дж. Хьюард Гоф. Элементы теории выборок. Проведение национальной оценки учебных достижений. / Винсент Грини, Томас Келлаган; пер. с англ. А.Мусина; науч. Ред. М.Б.Чельшковой. – М.: Логос, 2014. – 372 с.: II часть, 132-стр.
11. www.oecd.org/pisa – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг веб-сайти.
12. www.timssandpirls.bc.edu – TIMSS ва PIRLS халқаро тадқиқот маркази веб-сайти.
13. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 5 октябрдаги 01-584, 2019 йил 27 августдаги 01-631 ва 2021 йил 18 октябрдаги 01-794-сонли хатлари.
14. Оценка образовательных достижений на национальном уровне. / В.Грини, Т.Келлаган; пер. с англ. Т.Н.Леоновой; науч. ред. М.Б.Чельшкова. – М.: Логос, 2011. – 216 с.
15. Проведение национальной оценки учебных достижений. / Винсент Грини, Томас Келлаган; пер. с англ. А.Мусина; науч. Ред. М.Б.Чельшковой. – М.: Логос, 2014. – 372 с.
16. Исмаилов А.А. PISA талаблари асосида Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича ўтказилаётган миллий тадқиқот ҳақида. Брифинг АОКА, 2020 йил 9 декабрь.
17. Исмаилов А.А. Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш: танлов рамкасини шакллантириш. // "Замонавий таълим" илмий-методик журнали, 2021 йил, 12-сон (чоп этиш жараёнида).
18. PISA 2018 technical standards, Version 1, November 2015, Produced by OECD Secretariat and the PISA 2018 Contractors.
19. FT Sampling Guidelines, OECD Programme for International Student Assessment 2015, Second Meeting of National Project Managers, Bangkok, Thailand, 18-20 March, 2013, Produced by Westat, Core C Contractor.
20. Исмаилов А.А., Тоғаева Г.О., Акбарова С., Асқарова Д. Халқаро тадқиқотларда ўқувчиларнинг табиий фанлар бўйича саводхонлигини баҳолаш. Табиий йўналишдаги фан ўқитувчилари, методистлари ва соҳа мутахассислари учун методик қўлланма. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2019 йил.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 30 ноябрдаги 180-сонли бўйруғи.

**"ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"НИНГ ЁШЛАР ОНГИГА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

**Миралиева Диляфруз Тахировна -
ТДИУ Инновацион таълим каф.
катта ўқитувчиси, Педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)**

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a48

Аннотация. Ушбу мақолада аждодларимиз мероси орқали талabalarda "оммавий маданият"га қарши курашувчанлик қўнікмаларини шакллантиришининг усул ва воситалари очиб берилган ҳамда улардан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: оммавий маданият, глобаллашув, баркамол шахс, тасаввуф таълимоти, аждодларимиз мероси, маънавият.

НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ «ПОПУЛЯРНОЙ КУЛЬТУРЫ» НА СОЗНАНИЕ МОЛОДЕЖИ

**Миралиева Диляфруз Тахировна -
Старший преподаватель кафедры «Инновационное
образование» ТГЭУ доктор философии по
педагогическим наукам (PhD)**

Аннотация. В данной статье раскрываются методы и средства формирования у студентов навыков борьбы с «массовой культурой» посредством наследия наших предков и разработка научно-методических рекомендаций по их использованию их в учебном процессе.

Ключевые слова: массовая культура, глобализация, гармоничная личность, наследие предков, духовность.

THE NEGATIVE IMPACT OF "POPULAR CULTURE" ON THE MINDS OF YOUNG PEOPLE

Miralieva Dilafruz Takhirovna -
Associate Professor of "Innovative Education"
Doctor of Philosophy in Pedaogy, PhD TSEU

Annotation. This article reveals the methods and means of developing students' skills to combat "mass culture" through the heritage of our ancestors and the development of scientific and methodological recommendations for their use in the educational process.

Keywords: mass culture, globalization, harmonious personality, heritage of ancestors, spirituality.

Кириш. Жаҳонда глобаллашув жараёни нинг жадал суръатларда ривожланиб бориш шароитида "оммавий маданият" ниқоби остида ахлоқсизлик, дидсизлик ва бузғунчиликни тарғиб қилиш, халқларнинг миллий илдизларидан узоқлаштиришга бўлган ҳаракатларга қарши мағкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етакчи олий таълим муассасалари томонидан таълим мазмунига халқларнинг маънавий қадриятлари, маданий мерос ва анъаналарни сингдириш орқали жамиятнинг олий маълумотли етук мутахассис кадрларга бўлган талабини сифатли қаноатлантириш омили сифатида қаралмоқда.

Халқаро миқёсда нуфузли илмий тадқиқот муассасалари ва марказларида "оммавий маданият"нинг мазмун-моҳияти, инсон ва жамиятга салбий таъсирлари ҳамда оқибатлари, шаклланниш омилларини ўрганиш, таълим жараёнларида "оммавий маданият"га қарши курашишга оид кўнижмаларни шакллантириш усуллари, воситаларини такомиллаштириш, илғор педагогик ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқишига қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда ва бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Мазкур тадқиқотлар халқлар тарихи, тажрибаси, ўтмишдаги аждодлардан қолган манбалар, ўгитлар ва ғояларга асосланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшларни маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этишда аждодлар мероси, жумладан, тасаввуф илми, нақшандия таълимоти ва халқ педагогикасига қаратилган юксак эътибор ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда теран дунёқараш, соғлом эътиқод, маърифатлилик, маънавиятлилик каби фазилатларни шакллантириш имкониятларини кенгайтиromoқда. Республикаимизда диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида "ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чукур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш, "... глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган

омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш" [1] каби вазифалар белгиланган.

Бу борада талабаларда "оммавий маданият"га қарши курашувчанлик кўнижмасини шакллантиришда тасаввуф илми ва нақшандия тариқати ғоялари ҳамда халқ педагогикаси манбаларининг педагогик имкониятларини назарий-амалий жиҳатдан асослаш, халқ анъаналарининг фалсафий, психологик, педагогик жиҳатини тадқиқ этиш, аждодлар мероси ва миллий анъаналардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Баркамол шахс, уни шакллантириш ҳақидаги ғоялар бундан бир неча юз ийллар аввал яратилган "Авесто", "Кул-Тегин" битиктоши, муқаддас "Куръони Карим"да, буюк аждодларимиз Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Бухорий, Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур ва бошқа ватандошларимизнинг таълимотларида ўз аксини топган.

Ўзбек олимларидан М.Қуронов ва Ф.Эсонбоев "оммавий маданият"га қўйидагича таъриф берадилар: "Оммавий маданият" бирор халқ ёки миллатнинг маданияти эмас. Агар у бирор-бир халқ ёки миллатга мансуб бўлганида эди, уларнинг тарихий ва замонавий идеаллари асосига қурилган бўлар эди. Ҳеч шубҳасиз, бундай идеаллар ҳар бир халқ ва миллат маданиятида бор. "Оммавий маданият" – роботдек бир хил ўйлайдиган, бир хил нарсага қизиқадиган ўртамиёна одам маданияти [6; 13-б].

"Оммавий маданият"га нисбатан танқидий назариянинг вужудга келишидаги дастлабки қарашлар Орtega-и-Гассетнинг "Оммавий кўзғолон" [7.83] асарида ўз ифодасини топган эди. Бу асарда муаллифнинг элитар қоидалари "оммавий маданият"нинг салбий изоҳларига мувофиқ келади. Кейинчалик ушбу йўналишлар кўпроқ ижтимоий характер касб эта бошлади.

Адабиётларда "оммавий маданият"нинг таҳлилига бағишлиланган иккита йўналиш ажратилади: 1. Таҳлилий йўналиш – В.Беньямин томонидан илгари сурилган. У ўз асарларида техник санъатларни тарқатишнинг маданий оқибатларини таҳлил қила туриб, уларнинг бадиий

асарлар билан тенг тарзда кўпайтирилиши ва тарқатилиши бадиий асарларнинг асл құммати ва руҳини йўқотиши, бетакрор ижод намунаси сифатида талқин этилмаслиги, шу билан боғлиқ ҳолда маданиятнинг ижтимоий вазифаси йўқотишига олиб келишини таъкидлайди [8.51]. 2. Хусусий эстетик йўналишлар – Т.Адорно ва М.Хоркхаймерлар [9.123] томонидан илгари сурилган. Улар ўз асарларида асосий обьект сифатида маданият саноатини танқид остига оладилар.

“Оммавий маданият” ривожланиб бориб, унинг таъсири остида бозор эҳтиёжлари учун бир қолипдаги маҳсулотларни етиштирувчи гурӯҳлар вужудга келди. Уларнинг нуқтаи назарига кўра замонавий жамият мустақиллиги ва ўзиға хослигини йўқотади. Ваҳоланки, бир бутун тушунчанинг икки жиҳати бўлган “оммавий” ҳамда элитар маданият яхлит бир тушунча доирасига бирлаша олмайди. Буни чуқур англаған файласуфлар, адабиётшунослар, санъатшунослар “буржуа оммавий маданияти”ни танқид остига олганлар. Улар буржуа маданиятини омма онгини алдов йўли билан эгаллаш шакли сифатида баҳолаганлар. Бу қарашлар А.В.Кукаркиннинг [10.67] “Буржуазия оммавий маданияти” номли асарида батафсил очиб берилган.

Ҳозирги кунда психология ва педагогика фанида талабаларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга доир назарий ёндашувлар етарлича ёритилмаган бўлсада, хорижлик олимлар А.Реан, О.Петрич, И.Колиготова, В.Друзин ва бошқаларнинг тадқиқотларида вайронкор ғояларнинг пайдо бўлиши, асосан, инсон психологиясига бориб тақалиши таъкидланади. Рус олимлари А.Н.Леонтьев ва Б.Г.Ананьев ўзининг “Психиканинг ривожланиш муаммолари” ва “Инсон ўзини билиш предмети сифатида” [11; 131] номли ишларида шахсни ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятларини тадқиқ қылганлар. Мазкур тилга олинган олимларнинг ишларида биз тадқиқ қилаётган муаммони, яъни ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанликни шакллантиришда ўз-ўзини назорат қилиш каби кўникмаларга эга бўлиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Худди шу фикрлар тадқиқотчи Х.Х.Жабборовнинг “Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологияк омиллари” номли диссертациясида ўз аксини топган. Олимнинг фикрича, ўзини ўзи назорат қилиш усуслари нинг шахс томонидан тўлақонли ўзлаштирилиши шахснинг ўз фаолиятини ўзи бошқаришдан мураккаб бошқаришга ўсиб ўтади [12; 23-29-б].

Тадқиқот методологияси. Ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда халқ педагогикиси ва тасаввуф таълимоти намояндаларининг

ғояларидан фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлган натижалар ўрганилди. Шу билан бирга, тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усусларидан фойдаланилди.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмаларини шакллантиришга оид адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, педагог, психолог, социолог олимларнинг оммавий маданиятга қарши курашувчанлик кўникмаларини шакллантириш борасида олиб борган изланишлари, олимлар ва соҳа вакилларининг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, жараёнларни кузатиш амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Ёт ғояларга қарши курашиш ўзбек миллати ҳаётида анча илгари бошланган. Илғор фикрли зиёлилар ёт ғояларга қарши курашишда алоҳида тажриба тўплаганлар ва ўз тажрибаларини таълим-тарбия воситасида ёшлар онгига сингдирғанлар. Миллий маънавиятнинг бир неча асрлар давомида такомиллашиши натижасида ўзбек халқи ёт ғоялар, мафкуравий хуружларга қарши курашишнинг самарали воситалари, усуслари, йўлларига эга бўлган.

Халқнинг тарихий маънавияти ва маданияти қанчалик бой бўлса, ундан фойдаланиш имкониятлари ҳам шу қадар кенг бўлади. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми бўлган баркамол шахсни шакллантириш ғояси “оммавий маданият”га қарши курашиш, ёшларда ўзлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳиссисини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам буюк мутафаккир аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий қарашларини ўрганиш ва бу буюк педагогик фикр намояндаларининг бунёдкор ғояларини таълим-тарбия жараёнига олиб кириш ҳамда улар воситасида талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш давр талабидир. Бу муаммо ечимининг муҳимлиги куйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, бугунги кунга келиб, аждодларимиз томонидан барпо этилган ҳаётбахш ғоялардан фойдаланган ҳолда жамият аъзолари, айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, аждодларимиз томонидан яратилган педагогик қадриятлар, маънавий мерос намуналари, жумладан, баркамол шахсни шакллантириш ғоясининг намояндалари – Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Хованди Тоҳур, Хожа Аҳрор Валий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг шахс маънавий маданиятини юксалтиришга оид қарашларини ёш авлод онгига етказиш, давр талабла-

ри нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда олий таълим тизимиға татбиқ этиш ва талабаларда “оммавий маданият”га қарши қурашувчанлик кўникмасини шакллантиришда мазкур меросдан фойдаланиш йўлларини аниқлаш зарурати мавжуд.

Учинчидан, ўкувчи ҳамда талабаларга миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни “оммавий маданият” хуружларидан асраш зарурати кучаяётган ҳозирги шароитда мазкур маънавий меросга бўлган қизиқиш ниҳоятда ортиб бормоқда.

Тўртингчидан, миллий истиқлол ғоясини талабалар онгига сингдириш, уларни “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ бўлишга ундашнинг муҳим, таъсирчан воситаларидан бири аждодларимиз мероси ҳисобланади. Чунки бебаҳо маданий қадрият ҳисобланган ушбу меросда ҳақгўйлик, инсонпарварлик, фидойилик, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, оилапарварлик, шарм-ҳаё, эркаклик ғурури каби олижаноб инсоний фазилатларни эгаллаш йўллари кўрсатилган.

Ҳозирги кунда “оммавий маданият” ўзининг кўринишлари, йўналишлари ва ёшлар онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга. “Оммавий маданият”нинг ёшлар онги, уларнинг дунёқарашига кўрсатадиган салбий таъсирини бартараф этувчи энг кучли қурол аждодларимиз меросида ўз ифодасини топган миллий ғоя, қадриятлардир.

Тасаввуф таълимоти намояндалари ўз асарларида комилликка интилиш масаласини чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Улар ёшларни вактнинг қадрига этиш, ҳар доим огоҳ бўлишга ундағанлар. Тасаввуф таълимоти намояндалари ҳар бир инсон ҳирс, баҳиллик, ҳасад, гина, зулм, адоват каби иллатлардан фориғ бўлиши, ҳаётга ибрат назари билан қарashi, яхши инсонларга эргашиши лозимлигини уқтирганлар. Улар қалбни соғ тутмоқ, туғма заифлик ва ноҳуш ахлоқлардан фориғ бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар устидан ғалаба қилиш ғояларини илгари сурғанлар. Тасаввуф таълимотининг етакчи ғоялари бугунги кунда талабаларни ҳаётга муҳаббат, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муруватли, иймон-эътиқодли, ғамхўр, меҳнатсевар, ватанпарвар, ёт ғояларга қарши қурашувчан, огоҳ ва хушёр қилиб тарбиялашга хизмат қиласи.

Аждодларимиз меросларидан нақшбандия тариқатида тасаввуф таълимотидаги ғоялар давом эттирилиб, ёлғончилик, зино, ҳаромхўрлик каби иллатлар қораланади, ёмон одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслик, қаноатли бўлиш, меъёрни билишга ундаш ғоялари устувор ўрин эгаллайди. Жумладан, Хожа Аҳрор Валий қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатади: “Дунёнинг

ҳаммаси ортиқчадир, магар беш нарсаси (ортиқча эмас). Жонни сақлаб турадиган нон, ташналикни кеткизадиган сув, сатри аврат бўладиган либос, амал қилинадиган илм, унда яшайдиган маскан”. Мазкур таълимот намояндаларининг фикрларига кўра, инсон ўз-ўзини бошқара олиши, кучли ироди эгаси бўлиши, ёмон таъсирларга берилмаслиги ва дунёвий билимларни эгаллаши лозим. Улар инсонлардаги меҳнатсеварлик, ундан роҳатланиш каби ижобий фазилатларни улуғлаганлар. Мазкур ғоялар Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” (“Дилинг Аллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин”) шиорида ўз аксини топган. Нақшбандия тариқати намояндалари ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб этишишида устоз ва шогирд муносабатларига алоҳида эътибор қаратганлар. Улар толибларни устозларига эргашиш, улардан илм-фан сирлари ва эзгу ишларни қунт билан ўрганишга даъват этганлар. Нақшбандия тариқати намояндаларининг ҳаётбахш ғояларини чуқур илмий таҳлил қилган ҳолда талабаларга тушунишириш, улар онгига етказиш, шу орқали уларда ёт ғояларга қарши қурашувчанлик кўникмасини шакллантириш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Талабаларда “оммавий маданият”га қарши қурашувчанлик кўникмасини шакллантиришда тарихий меросимизнинг таркибий қисми бўлган ҳалқ педагогикаси, анъана ва урф-одатларининг ўрни бекиёсdir. Ҳалқ педагогикаси намуналари бўлмиш мақол, ривоят, достон, кўшиқларда меҳнатсеварлик, она-ватанни севиш, ватанга содиқ фарзанд бўлиш, уни душманлардан қўриқлаш, ваъдага вафо, ўзаро ҳурмат, молдунёга берилмаслик, ҳалоллик каби ғоялар алоҳида ўрин тутади. Бу ғоялар ёшлар онгига ўз вақтида ва тизимиғи сингдирилиб борилса, ёт ғоялар учун ўрин қолмайди. Ёш авлодни тарбиялашда неча асрлардан бери қўлланиб келинган усул, восита, анъана, урф-одат ва тарбия ҳақидаги ғояларнинг барчаси ўзбек ҳалқ педагогикасида мужассамлашгандир. Уларни чуқур ўрганиш, ҳалқ педагогикасидаги тарбия усуллари ва воситаларини тадқиқ қилиш ҳозирги кунда тарбия ишлари самарадорлигини оширишга, талабаларда “оммавий маданият”га қарши қурашувчанлик кўникмасини шакллантиришда яқиндан ёрдам беради.

Психолог олимларнинг таъкидлашларича, талабалик даври ўспиринликнинг 2-босқичи бўлиб, 17-25 ўшни ўз ичига олади. Бу давр ўзига хос бир қатор ҳусусиятлари билан тавсифланади. Мазкур даврда айрим талабаларда ўзига хос руҳий инқироз ёки танглик кузатилади. Натижада уларда “оммавий маданият” таъсирига мойиллик кучаяди.

Манбалар таҳлили натижасида талабаларни “оммавий маданият”га қарши қурашувчан-

лик руҳида тарбиялашда қўйидаги омилларга амал қилиш лозим, деган холосага келдик:

1. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Мақсад тарбия усулларини танлашга хизмат қиласди. Бу шундан далолат берадики, талабаларни маънавий-маданий юксалтириш мақсадлари бу жараёнда фойдаланиладиган усулларни тўғри танлашга хизмат қиласди.

2. Талабаларда “оммавий маданият” хурожларига қарши курашувчанликни шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараёнларнинг мазмуни аждодларимиз, буюк мутафаккирларнинг бебаҳо мерослари, халқ анъаналири, урф-одатлари, маросимларини қамраб олиши керак. Чунки “оммавий маданият” тарғиботчилари ёшлар онгини забт этиш учун, биринчи навбатда, уларни ўз маънавий илдизлари, тил бойликларидан йироқлаштиришга ҳаракат қиласдилар.

3. Талабаларда ёт ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришда уларнинг ёш хусусиятларини ҳам алоҳида ҳисобга олиш керак. Айни бир хил вазифалар талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли йўллар ва усуллар ёрдамида ҳал қилинади.

4. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда уларнинг индивидуал ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Инсонпарварлик тамойилига асосланган олий таълим жараёнида ҳар бир талаба шахсига индивидуал ёндашиб зарур ҳисобланади.

5. Талабаларда “оммавий маданият” хурожларига қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбиявий жараённинг шарт-шароитларини ишлаб чиқиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунга аждодларимиз мероси билан танишиш мақсадида манбалар устида ишлаш, тарихий қадамжоларга зиёрат уюштириш, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини ўрганиш, тўплаш, таҳлил қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини англатишига хизмат қиласдиган тадбирларни уюштириш кабилар киради.

6. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда ўзига хос педагогик воситаларни танлаш ва улардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар тасаввуф таълимоти ва нақшбандия тариқати ғояларини ўз ичига олган манбалар, тарихий романлар, аждодларимизнинг асарлари, турли қадамжолар ҳақида ҳикоя қилювчи манбалар, республикамиздаги ҳар бир вилоятда яшовчи халқнинг ўзига хос урф-одатлари, миллий кийимлари, таомлари, меҳмон кутиш одоби, тўй маросимлари, мазкур ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилювчи кинофильмлар, саҳна асарлари, бадиий асарлар, миниатюралар, иллю-

страциялар, музейлардаги экспонатлар, халқ хунармандчилиги маҳсулотлари кабилардан иборат.

Талабаларда “оммавий маданият” хурожларига қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш жараёнида аждодларимиз мероси ва халқ педагогикаси имкониятларидан самарали фойдаланиш икки хил шаклда: аудитория ва аудиториядан ташқари жараёнда амалга оширилади. Мазкур мақсадга йўналтирилган педагогик жараёнларда қўйидагиларга эътибор бериш лозимлиги аниқланди:

1. Маърузалар, амалий машғулотлар мазмунини бойитишда аждодларимизнинг шахсни ахлоқий, маънавий, маданий юксалтиришга хизмат қиласдиган қараашлари, халқ анъаналари, урф-одатлари акс эттирилган манбалардан унумли фойдаланиш.

2. Талабаларни ўйлаш, мушоҳада юритишига ундовчи фикрлар, ҳикматлар, ҳадислардан унумли фойдаланиш.

3. Маърузаларда профессор-ўқитувчиларнинг “оммавий маданият”га оид дунёқараашлари, унинг мазмун-моҳиятини англаганлик дараҷаларининг тўлиқ акс этганлиги.

4. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришга қаратилган маърузаларнинг савияси ғоявий юксак, тизимли, изчил бўлишига эришилиши.

5. Маъруза ўқиётган профессор-ўқитувчининг нутқи, хатти-ҳаракатлари, ташқи кўриниши, дунёқараши, миллий онги, миллий маънавият ва маданият талабларига жавоб бериши, шахслараро муносабат қоидаларига амал қилиши.

6. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириш жараёни жонли мулоқот, диалог, яккамаякка ва гуруҳли фаолият асосида ташкил этилиши.

7. Талабаларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантиришда профессор-ўқитувчилар инновацион усуллар билан бир қаторда, синалган воситалар ва усуллардан фойдаланишлари, ўз шахсий нуқтаи назарларини баён қилишлари, талабалар билан жонли мулоқотга киришишлари, уларнинг баҳс-мунозарага киришишлари учун шароит яратишлари лозим.

Хуласа ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги хуласаларга келинди. Жумладан:

1. Фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишилари, аҳоли саводхонлигининг ошиши, миллий ўзлик туйғусининг шаклланиши, аждодларимиз меросига нисбатан ижобий муносабат ва уларни ўрганишга бўлган эҳтиёж-

нинг кучайиши натижасидагина “оммавий маданият”нинг салбий оқибатлари бартараф этилади. Шунинг учун ҳам “оммавий маданият” нинг кенг тарқалишига қарши кураш воситаси сифатида ахоли, айниқса, талабаларнинг саводхонлиги ва миллий фурурини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш лозимлиги аниқланди.

2. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий мерос ҳар қандай маънавий таҳдидга қарши қурол вазифасини ўтай олади. Таълим муассасаларида глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг миллий қадриятлар ва талабалар онгига салбий таъсирини бартараф этиш масалаларига бағишлиланган давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, уларни “оммавий маданият” хуружидан асрарда аждодларимиз меросидан фойдаланишга бағишлиланган баҳс-мунозаралар, конференциялар, маърузалар, семинарлар, махсус курслар, курс ва малақавий битириув ишлари ёздиришни ташкил этиш юқори самара бериши аниқланди.

3. Миллий қадриятлар, урф-одатлар, тарихий, маданий, маърифий меросни тиклаш, улуғ мутафаккирларимизнинг таълимотларини ўрганиш, педагогик ва илмий-назарий жиҳатдан таҳдил қилиш, шу асосда туғилган фикр ва мулоҳазаларни ёш авлод онгига сингдириш учун таълим-тарбия мазмунига аждодларимиз меросидан давр талаблари ва талабаларнинг маънавий эҳтиёжларига мос келадиган қарашлар ва ғояларни олиб кириш бугунги қуннинг долзарб масаласи эканлиги аниқланди.

4. Буюк мутафаккирларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, педагогик жараёнга олиб кириш натижасида талабаларнинг маънавий савияси ортади, уларда ўзликни англаш туйғуси таркиб топади. Бу эса талабаларнинг “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ, глобал тармоқдаги ахборотларни саралаш, баҳолаш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан токомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 18.04.2018 й., 06/18/5416/1079-сон, 1-модда.
2. Miraliyeva D.T. Means of combating mass culture among young people. // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 8 No. 9, 2020.
3. Миралиева Д.Т. Аждодларимиз мероси воситасида ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашувчанлик кўникмасини шакллантириши. // “Мутаассибликни келтириб чиқарувчи ижтимоий омиллар ҳамда маҳалла, таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги таҳлили масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. – Т., 2016.
4. Сафарова Р.Г., Джсураева Р.Ҳ ва бошқ. Ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантишининг педагогик-психологик механизмлари. Монография. – Т.: “Тафаккур қаноти” нашриёти, 2018. 192-бет.
5. Шаропова С.Д. Ёшларда мағфуравий иммунитет шаклланганишинг ижтимоий-психологик жиҳатлари. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 2020. – 141 б.
6. Қуронов М. ва Эсонбобоев Ф. Гибрид олмадан ... гибрид одамгача ёхуд “оммавий маданият” ниқоби остидағи ғаразли мақсадлар ҳақида. – Т.: “Мұхаррир” журн., 2010.
7. Ортега-и-Гассет. Восстание масс. // Вопросы философии. 1989. № 3. С. 154.
8. Бенъямин В. Произведение искусства в эпоху его технической воспроизведимости. 2013.philol.msu.ru.
9. Хорхайнин М., Адорно Т.В. Диалектика просвещения. Философские фрагменты. – М.-СПб.: “Медиум” “Ювента”, 1997. С. 16-60.
10. Кукаркин А.В. Буржуазная массовая культура: Теории. Идеи. Разновидности. Образцы. Техника. Бизнес (Изд. 2-е) 1985. -432 з.
11. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. / Ленингр. ордена Ленина гос. ун-т им. А.А.Жданова, Фак. психологии. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1968. – 339 с.; черт. – Парал. тит. л. англ.
12. Жабборов Х. Ўсмиларда мағфуравий иммунитет шаклланнишининг психологик омиллари. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2019. – 154 б.
13. Бьюкенен П.Дж. Смерть Запада. Пер. с англ. А.Башкирова. – М.: 000 Издательство АСТ; – СПб.: Terra Fantastica, 2003. С. 271.
14. Жан Бодрияр Общество потребителя. Издательский дом: Республика. 2006 г. – 350с.
15. Жўраев Н. Гоявий иммунитет ёки маънавий халоскорлик туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 64 б.
16. Ислом. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2004. 200-б.
17. Каримова В. Қуръонов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: Ижод дунёси, 2002. – 150 б.
18. Крохина Н.П. и др. Культура и межкультурные взаимодействия в современном мире. Учебное пособие с приложением (коллектив авторов). Шуя: изд-во Шуйского филиала ИвГУ, 2014. – 165 с.
19. Кукаркин А.В. Буржуазная массовая культура: Теории. Идеи. Разновидности. Образцы. Техника. Бизнес (Изд. 2-е) 1985 г. – 432 с.
20. Маркузе. Г. Одномерный человек. – Минск: Харвест, 2003. – 203 с.
21. Мавнавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 460-б.
22. Мукерджи Ч., Шадсон.М. Новый взгляд на поп-культуру. № 3. – 101 ст.
23. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 313 б.
24. Фромм Э. Бегство от свободы. – Минск: Харвест, 2003. – 308 с.
25. Эренст ван ден Хааг. Особенности массовой культуры. журнал toposcde.ru. независимый медиюпроект. июнь 15. Потребление и отчуждение. Май 29. Массовая культура: психоаналитический взгляд.
26. Қуронов М. “Маънавий таҳдидаларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мағфуравий асослари” мавзусидаги Республика илмий-услубий конференция материаллари. – Т.: Мұхаррир, 2010. 10-13-б.
27. Қуронов М. “Оммавий маданият” – маънавият күшандаси. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: Мұхаррир, 2013. – 207 б.
28. Қуронов М. “Оммавий маданият” – эвтаназия. // “Ishonch” газетаси, 2018 йил 23 июнь, 74-сон.
29. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2006. 72-б.
30. Гойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 240 б.